



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

АҚИДАДА АДАШМАЙЛИК!

الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي هَدَانَا لِهَذَا وَمَا كُنَّا لِنَهْتَدِيَ لَوْلَا أَنْ هَدَانَا اللَّهُ
وَالصَّلَاةَ وَالسَّلَامَ عَلَى رَسُولِهِ مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِهِ وَصَحْبِهِ أَجْمَعِينَ. أَمَّا بَعْدُ

Мухтарам жамоат! “Ақида” сўзининг ўзаги луғатда “ақд” яъни “туғиш”, “боғлаш”, “маҳкамлаш” маъноларини англатади. “Ақида” сўзининг шаръий атамаси эса “бирор нарсага шак-шубҳасиз даражада қатъий ишониш”га айтилади. Демак, ақида қалбда содир бўладиган жараён бўлиб, у инсон қалбидан ишонган, ўзи учун эътиқод қилиб олган нарсаларга айтилади. Агар ўша қатъий ишонган нарсаси тўғри бўлса, у тўғри ақида ҳисобланади. Агар нотўғри бўлса, ботил ақида саналади. Худди Аҳли сунна вал жамоа ақидаси – тўғри ақида ва адашган фирқалар ақидаси эса – ботил ақида деганга ўхшаб.

Ақида илми – охиратда нажот топишда аҳамиятли эканлиги сабабли ҳар бир киши ўрганиши вожиб бўлган илмдир. Кимнинг ақидаси тўғри бўлса, имони тўғри бўлади ва охиратда омонда бўлади. Кимни ақидаси тўғри бўлмаса, бунинг акси бўлади.

Ақида илми инсон ҳаётида одоб-ахлоқ, ибодат, олди-берди алоқалари ва барча илмлардан муҳимроқ ўрин тутди. Чунки инсон Исломни қабул қилгандан сўнг, биринчи навбатда унинг зиммасига ибодатларни ўрганишдан ҳам аввал ақида илмини ўрганиш вожиб бўлади. Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам Муоз ибн Жабал разияллоҳу анҳуни Яман аҳлига элчи қилиб юбораётганларида:

فَلْيَكُنْ أَوَّلَ مَا تَدْعُوهُمْ إِلَيْهِ أَنْ يُوحِدُوا اللَّهَ تَعَالَى، فَإِذَا عَرَفُوا ذَلِكَ، فَأَخْبِرْهُمْ أَنَّ اللَّهَ فَرَضَ عَلَيْهِمْ خَمْسَ صَلَوَاتٍ
(رواه الامام البخاري والامام الترمذي)

яъни: “*Аввало уларни Аллоҳ таолони бир дейишга чақиринг, қачон улар Аллоҳни бир деб билишса, Аллоҳ таоло уларга беш вақт намозни фарз қилганлигини хабарини беринг*”, – деганлар (Имом Бухорий ва Имом Термизий ривоятлари).

Ушбу ҳадиси шариф ақидани нақадар аҳамиятли эканига далолат қилади. Чунки Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам Яман аҳлини намоз ўқиш ва бошқа амалларни бажаришга буюришдан аввал, уларнинг ақидасини тўғрилашга буюрдилар.

Ақида илми энг шарафли илм ҳисобланади. Зеро ақида илми орқали энг аҳамиятли ва энг улуғ маълумотларга эга бўлинади. Демак, маълумотларнинг зарурати ва шарофатлилигига қараб, илмнинг шарафли эканлиги маълум бўлади. Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг Муҳаммад сурасида шундай марҳамат қилади:

فَاعْلَمْ أَنَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَاسْتَغْفِرْ لِذَنْبِكَ وَلِلْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمِنَاتِ وَاللَّهُ يَعْلَمُ مُتَقَلَّبَكُمْ وَمَثْوَاكُمْ

яъни: “Бас, (эй, Муҳаммад!) Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ эканини билинг ва ўз гуноҳингиз учун ҳамда мўмин ва мўминалар(нинг гуноҳлари) учун мағфират сўранг! Аллоҳ сизларнинг (бу дунёдаги) кезадиган жойларингизни ҳам, (охиратда) борадиган жойларингизни ҳам билур” (19-оят).

Уламоларимиз мазкур ояти кариманинг тафсирида шундай дейдилар: “Ушбу оятда Аллоҳ таолони ёлғиз эканини билишга бўлган буйруқ истиғфор айтишга бўлган буйруқдан олдин келтирилмоқда”. Бу эса Аллоҳ таолонинг ёлғизлигини билиш, яъни тўғри эътиқодни шакллантириш қанчалар аҳамиятли эканига ишорадир. Шу сабабдан ҳам Имом Шофеий раҳимахуллоҳ: “*Фиқҳдан олдин ақида илмига буюрилдик*”, – деганлар. Имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ эса: “*Ақидада билимдон бўлиш фиқҳий аҳкомларда билимдон бўлишдан афзалроқдир*”, – деганлар.

Муҳтарам азизлар! Энг аввало, қалбда ақида асослари ўрнашмас экан, шариат аҳкомларини бажаришдан фойда бўлмайди. Зеро, улуғ машойихларимиздан Сўфи Оллоёр айтганларидек:

*“Ақида билмаган шайтона элдир,
Агар минг йил амал деб қилса – елдир”.*

Имом Абу Мансур Мотуридий раҳматуллоҳи алайҳнинг йўналишларига кўра имон бу – тил билан икром бўлиш ва қалб ила тасдиқлашдир. Қуйидагиларга имон келтириш вожиб: 1. Аллоҳ таолога; 2. Унинг фаришталарига; 3. Китобларига; 4. Набийларига; 5. Охират кунига; 6. Қадарнинг яхшиси ҳам, ёмони ҳам Аллоҳ таолодан эканига; 7. Ўлгандан кейин қайта тирилиш бор эканига.

Имом Мотуридий раҳматуллоҳи алайҳнинг таъкидлашларига кўра, амал имоннинг шарти ҳисобланмайди. Чунки Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг жуда кўп ўринда имонни алоҳида, амалларни алоҳида ажратиб, шундай марҳамат қилади:

إِنَّ الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ وَأَقَامُوا الصَّلَاةَ وَآتَوُا الزَّكَاةَ لَهُمْ أَجْرُهُمْ عِنْدَ رَبِّهِمْ
وَلَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ (سورة البقرة/277)

яъни: «Албатта, имон келтирган, яхши ишларни қилган, намозни баркамол ўқиб, закотни берганлар учун Парвардигорларининг ҳузурида (махсус) мукофотлари бордир...» (Бақара сураси 277-оят).

Лекин шуни билиш керакки, уламоларимиз амални имон шартларига киритишмаган бўлсаларда, имон тақозо қилган шариат ҳукмларига амал қилишни вожиб деб билганлар.

Қолаверса, Аҳли сунна ва жамоа эътиқодига кўра, агар бирор киши имон келтирса-ю, лекин амалларни тўлиқ бажармаса, у гуноҳкор мўмин ҳисобланади ва «аҳли Қибла» дея эътироф этилади. Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай деган:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا تَوْبُوا إِلَى اللَّهِ تَوْبَةً نَّصُوحًا عَسَىٰ رَبُّكُمْ أَن يُكَفِّرَ عَنْكُمْ سَيِّئَاتِكُمْ وَيُدْخِلَكُم جَنَّاتٍ
تَجْرِي مِن تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ (سورة التحريم/8)

яъни: “Эй, имон келтирганлар! Аллоҳга чин тавба қилингиз, шоядки, Роббингиз сизларнинг гуноҳларингизни ўчириб, остида анҳорлар оқиб турадиган (жаннатдаги) боғларга киритса!...” (Таҳрим сураси 8-оят).

Ушбу оятда гуноҳ содир этган мўминларга “Эй, имон келтирганлар” дея мурожаат қилиниши гуноҳ қилиш билан киши кофир бўлмаслигига ёрқин далилдир.

Афсуски, ҳозирги вақтда дунё мусулмонларини ташвишга солиб турган, низоли юртларда содир этилаётган қонли воқеаларга сабаблардан бири ҳам ақидавий

масалаларни тўғри англамасликдир. Масалан, амални имоннинг шартлари қаторига киритиш билан Ислом шариатида буюрилган амалларни бажармаётган ёки динда қайтарилган ишларни қилаётган кишиларни куфрда айблаб, уларнинг қонини тўкиш ва молларини талон-тарож қилишни ҳалол дейиш авж олмақда. Бунинг оқибатида ислом оламида қанчадан-қанча ҳунрезликлар, мусулмонларнинг, хатто ёш гўдақларнинг ҳалок бўлиши билан боғлиқ аянчли воқеалар содир этилмоқда.

Албатта, бу фитналарнинг асосий сабаблардан бири – жаҳолат, Ислом ақидасини тўғри англамасликдир!

Мухтарам жамоат! Ақида – динни асосидир. Инсонларнинг солиҳ амалларини қабул бўлиши ширк ва куфрдан ҳоли бўлган соғлом ақидага боғлиқдир. Агар кишининг ақидаси тўғри бўлмаса, қилган амаллари бекор бўлади. Бу борада Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилади:

لَئِنْ أَشْرَكْتَ لَيَحْبَطَنَّ عَمَلُكَ وَلَتَكُونَنَّ مِنَ الْخَاسِرِينَ (سورة الزمر/65)

яъни: **“Қасамки, агар мушрик бўлсанг, албатта, қилган амалинг беҳуда кетур ва албатта, зиён кўрувчилардан бўлиб қолурсан!”** (Зумар сураси 65-ояти).

Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг Анъом сурасида эса шундай марҳамат қилади:

وَلَوْ أَشْرَكُوا لَحَبِطَ عَنْهُمْ مَا كَانُوا يَعْمَلُونَ (سورة الأنعام/88)

яъни: **“Агар мушрик бўлганларида қилган (савобли) амаллари йўққа чиққан бўлур эди”** (88-оят).

Тўғри ақидани ўрганиш инсонни адашишдан, ширкдан ва залолатдан сақлайди. Ақидани билмаслик эса инсоннинг гумроҳ бўлиб қолишига сабаб бўлади. Минг афсуски, бугунги кунда баъзан ўтганларни қабрини зиёрат қилиш асносида қабрдагилардан ёрдам сўраш, қабрни тавоф қилиш, чироқ ёқиш, дарахтларга ип боғлаш каби хурофотларни бажариш ҳолатларига гувоҳ бўлиб қоламиз. Ваҳоланки, шариатимизда бу каби амаллардан қайтарилган. Аслида қабрлар зиёратидан Аллоҳ таолонинг розилигини, қалбни ислоҳ этишни ҳамда ўтганларга дуойи хайрлар қилишни қасд қилиниши керак.

Мухтарам жамоат! Ҳозирда Ислом дини ҳақида билимларини ошириш мақсадида ўқиб-ўрганаётган, хусусан интернет тармоғидан фойдаланаётган юртдошларимиз, айниқса ёшларнинг сони ортиб бораётгани маълум. Бу қувонарли ҳолат, албатта. Аммо ана шу сайтларнинг барчасида ҳам ақидавий масалаларда Аҳли сунна вал жамоа ақидасига мувофиқ фикрлар берилмайди.

Аксинча минг йилдан бери мусулмонларни бирлаштирган соф ақида асослари борасида оддий инсонларни шубҳага солиш ва ўзининг бузуқ ақидасини тикиштиришга уринади. **Жумладан, сохта салафийлар томонидан Аллоҳ таолони ҳудди инсон каби “жони бор”, “қўли бор”, “юзи бор” дея даъволарни қилиб, аслида тилни тийишликка чақирилган масалаларда чуқур кетмоқдалар.** Бу билан улар “мужассималик” (Аллоҳни жисм, деб эътиқод қилиш), “мушаббихалик” (Аллоҳни бандасига ўхшаш, деб эътиқод қилиш) каби сохта ақидаларни сингдиришмоқда. Ваҳоланки, бундан минг йил аввал ўтган Имом Мотуридий каби уламоларимиз айнан ўша мужассималарга, мушаббихаларга илмий асосда раддиялар бериб, Аллоҳ таолога нисбатан бундай нотўғри эътиқодда бўлиш залолат эканини таъкидлаганлар.

Ҳижрий учинчи асрнинг охири ва тўртинчи асрнинг бошларида яшаб ўтган буюк муҳаддис ва фақиҳ Имом Абу Жаъфар Таҳовий раҳимахуллоҳ ҳам бу ҳақда огоҳлантириб, шундай деганлар:

"وَمَنْ وَصَفَ اللَّهَ بِمَعْنَى مِنْ مَعَانِي الْبَشَرِ فَقَدْ كَفَرَ، فَمَنْ أَبْصَرَ هَذَا اعْتَبَرَ، وَعَنْ مِثْلِ قَوْلِ الْكُفَّارِ انْزَجَرَ، وَعَلِمَ أَنَّهُ بِصِفَاتِهِ لَيْسَ كَالْبَشَرِ"

яъни: “*Ким Аллоҳ таолони инсонларга хос бўлган бирон маъно билан сифатласа, шаксиз кофир бўлади. Буни англаган инсон ибратланади ва кофирларнинг сўзига ўхшаши гап-сўзлардан тийилади ҳамда Унинг (Аллоҳнинг) сифатлари инсонларники каби эмаслигини билади*” (манба: "Ал-Ақида ат-Таҳовия" китоби).

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ўз умматларини Аллоҳ таолонинг сифатлари борасида ғулувга кетишдан қайтариб шундай деганлар:

تَفَكَّرُوا فِي خَلْقِ اللَّهِ، وَلَا تَفَكَّرُوا فِي اللَّهِ

(رَوَاهُ الْإِمَامُ أَبُو نُعَيْمٍ الْإِسْپَهَانِيُّ فِي "حَلِيَّةِ الْأَوْلِيَاءِ" وَسَنَدُهُ حَسَنٌ)

яъни: “*Аллоҳнинг яратган мавжудотлари борасида тафаккур қилинг, Аллоҳнинг зоти ҳақида тафаккур қилманглар*”, – деганлар (Имом Абу Нуайм Исбаҳоний ривояти).

Мухтарам жамоат! Ҳозирда пайдо бўлган баъзи тоифалар Пайғамбар алайҳиссалом мақтаган аввалги уч асрда яшаб, таълим олиб, умматга пешқадамлик қилган Имом Абу Мансур Мотуридий ва Имом Ашъарий каби уламоларимиздан хато излаш пайида бўлмоқдалар. Ваҳоланки, неча асрлардан буён мусулмон олами бир овоздан Имом Абулҳасан Ашъарий ва Имом Абу Мансур Мотуридийни Аҳли сунна вал жамоанинг ақида бўйича Имомлари деб тан олганлар.

Имом Муҳаммад Зоҳид Кавсарий раҳимахуллоҳ айтадилар:

"فالأشعري والماتريدي هما إماما أهل السنة والجماعة في مشارق الأرض ومغاربها، لهم كتب لا تحصى، وغالب ما وقع بين هذين

الإمامين من الخلاف من قبيل الخلاف اللفظي

яъни: “*Имом Ашъарий ва Имом Мотуридий — машириқу мағрибда Аҳли сунна вал жамоа Имомларидир. Уларнинг кўп сонли китоблари бор. Улар ўртасидаги фарқли масалалар асосан лафзийдир*”.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам бизга турли фирқалар кўпайган пайтда мусулмонларнинг катта жамоасини лозим тутишни таъкидлаб, шундай дейдилар:

"فَإِذَا رَأَيْتُمْ اخْتِلَافًا فَعَلَيْكُمْ بِالسَّوَادِ الْأَعْظَمِ"

яъни: “*Агар ихтилофни кўрсангиз, катта жамоани лозим тутинг*” (Имом Ибн Можа ривоятлари).

Демак, ҳозирги кунгача ҳам ва ҳозирги кунда ҳам катта жамоат – Имом Мотуридий ва Имом Ашъарийларнинг ақидада тутган йўллари ҳамда фикҳда тўрт мўътабар мазҳаб – ҳанафий, моликий, шофеъий ва ханбалийларга мувофиқ келади. Мана шулар Аҳли сунна вал жамоани ташкил этади. Аҳли сунна вал жамоа ичида булардан бошқа эътиқодий ва фикҳий мазҳаблар мавжуд эмас.

Аллоҳ таоло барчаларимизни Ўзи рози бўлган ҳақ йўлида бўлишимизга муваффақ этиб, ақидада адашишдан, турли фирқаларга бўлинишдан паноҳида асрасин!

Ҳурматли азизлар! Маърузамизнинг фикҳий масалалар қисмида таҳоратдаги учинчи фарз бўлмиш бошга масҳ тортиш мавзусига боғлиқ баъзи ҳукмлар ҳақида суҳбатлашамиз.

“**Масҳ**” сўзи “*силаш*”, “*текказиш*” маъноларини ифодалайди. Таҳоратда бошнинг тўртдан бирига масҳ тортиш – фарз, бошнинг ҳаммасига масҳ тортиш эса – суннатдир.

Бошга масҳ тортиш учун хўлланган қўл билан қулоқ ва бўйинга ҳам масҳ тортилади. Уни кайфияти қуйидагичадир:

Икки кафтига сув олиб, тўкиб ташлайди ва қўлларининг хўли билан бошига бир марта масҳ тортади. Масҳни бошнинг олди томонидан орқага қараб тортади, кўрсатгич бармоғи билан қулоғининг ичига ва бош бармоғи билан қулоғининг устига, кафтининг орқа томони билан бўйинга масҳ тортади;

Масҳ тортмасдан туриб масҳ тортиш учун хўлланган қўл билан бош кийим ечилмайди, балки аввал бош кийимни ечиб, кейин қўл хўлланади;

Бўйинга масҳ тортишда қўллар томоққача етиб келмаслиги керак, балки бўйиннинг икки томонига қўл бармоқларининг орқа томони теккизилади холос, пастга тортилмайди.

Салла, дўппи ва шу кабиларга масҳ тортилмайди. Улар сочга сув етиб боришига тўсқинлик қилади. Аёл киши рўмолига масҳ тортмайди. Рўмол тагига масҳ тортади. (*“Фатовои ҳиндийя”* ва *“Фатҳу бобил иноя”* китобларидан).

Аллоҳ таоло ибодатларимизни мукамал адо этишимизга Ўзи муваффақ этсин!
Омин!